



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 109 (8409).

8 июнь, 1984 йил.

ЖУМА

● Баҳоси 3 тийин.



ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ПИЛЛА-ВАТАНГА



КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг 15-бригадаси пиллачилари бу йил мўл ҳосил етиштиришди. Айни кунларда давом эттирилмоқда. Суратда: бригаданинг илгор элчиси Хайруллаева билан Лазоқат Фозиловлар пилла моқда. Улар бу йил бир ярим қути қурт уруғидан 150 килограмдан «қумуш тола» йиғиштириб олдилар.



ПАРКЕНТ районидagi «Прогресс» совхозининг Қумриб ая Рискиева бошчилик қилаётган зверо-пиллачилари ўн биринчи йилликнинг тўртинчи йилида ҳар қути қурт уруғидан 120 килограмдан «қумуш тола» топиришмоқчи. Зверо аззо-лари пилла термини қизин давом эттиришмоқда. Суратда: Қумриб ая (чапда) дугонаси билан пилла теримда.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ: СУРЪАТ ВА СИФАТ

Партия XXVI съезди қор-вачилиги қишлоқда зарбдор фронт, деб эълон қилди. Ем-хашак етиштириш ана шу фронтнинг олдинги маррасидир. Ем-хашак тайёрловчи бригадалар ва звероларнинг кўпгина отрядлари, минг-минглаб шаҳарликлар, комсомоллар ва ёшлар бутуни кунда республика дала-ларида «Ем-хашак ҳақида гапла-сингари таххурилик қилай-лик» деган шир остида зарбдор вахтада туриб иш-ламоқдалар. Уларнинг ва-танпарварлик меҳнати, са-бот-матонати ва маҳорати тўғайли озуқа запаслари кун сайин кўпайиб, ферма-ларнинг маҳсулдорлиги ош-моқда.

Ўзбекистон ССР Марка-зий статистика бошқармаси-нинг ахбороти қараганда, 4 июнга қадар колхоз ва совхоз-ларда бир миллион тоннадан кўпроқ хашак, шу жумладан экилган ва табиий ўтларнинг 490 минг тонна пичани тай-ёрланган.

Шу билан бирга ўтган йиллардаги кўрсаткичлардан анча қолдиқча йўл қўйил-ганига қарамай, бир қанча жойларда ем-хашак тайёр-лаш суръатлари паст бўлиб қолмоқда. Колхоз ва совхоз-ларнинг, қишлоқ хўжалик органларининг базис раҳбар-лари бу ишда масъулиятсиз-лик қилмоқдалар, ем-хашак тайёрловчи бригадаларни одамлар ва техника билан тўлиқ таъминламадилар, ма-шиналарнинг унумдорлигини оширишга эришмадилар, экилган ўтларни ўриб-йиғиб олишни пайсалга солмоқда-лар, ем-хашак экинларини етиштириш агротехикасини,

сенаж бостириш, пичан тай-ёрлаш технологиясини жи-дий бузилишга йўл қўймоқ-далар. Ёввойи ўсимликлар ва бошқа ўсимликлар ҳисобида ем-хашак запасларини анча тўлдирш борасида мавжуд қатта резервлар ва имкони-ятлардан фойдаланилмапти.

Қорақалпоғистон АССРда ва республика областларида ем-хашак тайёрлаш ва беда-ни ўриб олиш юзасидан баъ-зи кўрсаткичлар қўйидаги бўлди, планга нисбатан про-цент ҳисобида:

Беданинг инки- чи ўрими	жами тайёрлан- ган хашак	шу жумладан тайёрланган пичан
Қорақалпоғистон АССР	—	3
Анжолон области	—	26
Бухоро области	0,6	5
Жиззах области	—	12
Қашқадарь области	6	17
Навоий области	1	8
Наманган области	4	18
Самарқанд области	—	22
Сурхондарь области	46	25
Сирдарь области	14	21
Фарғона области	13	28
Хоразм области	4	23
	—	12
		15

Бир қанча областларда ва кўпгина районларда ўтган ҳафтада планга нисбатан ха-шак атиги 1—3 процент тай-ёрланган. Балиқчи, Олот, Бухоро, Вобkent, Косон, Як-кабон, Нурота, Косонсой, Са-марқанд, Богот, Гулран рай-онларидаги колхоз ва совхоз-ларда шу давр ичида ем-хашак запаслари кўпаймади. Дўстлик, Муборак, Коминтер-н, Қизилтепа, Навоҳор рай-онларининг ем-хашак тайёр-ловчилари икки ҳафтадан бу-ён иш қилмаптилар. Бу районларда мавсум бошидан буён йиллик планнинг атиги 7—18проценти миқдорда хашак тайёрланган.

Чорва молларнинг рацон-ларида оқсил моддаси умум-ман етишмаётганлигига қара-май, витаминли ўт талқо-ни, дондор ва брикетлан-ган озуқа ишлаб чиқариш ишлари ғоят орқада қолмоқ-да. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Сирдарь областларидаги хўжаликларда ана шу қим-матли озуқа планга нисба-тан атиги 0,2—1,2 процент ишлаб чиқарилган, холос. Қашқадарь ва Хоразм об-ластларида эса таркибидан оқсил моддалар кўп бўлган ана шундай озуқани ишлаб чиқаришга ҳали киришилма-ган. АВМ ва ОГМ маркали

қўпгина агрегатлар бекор ту-рибди ёки қатта узлишлар билан ишламоқда. Ем-хашак тайёрлаш техно-логиясига қатъий риоя қи-лиш — юқори сифатли озу-қа гаровидир, бинобарин чорва моллар учун сифатли рацонлар гаровидир. Бирок, ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, сифат учун кураш ҳамма жойда ем-хашак тайёрловчилар ишининг ҳали ҳам таркибий қисмига айланган йўқ. Сурхондарь областидаги колхоз ва совхозларда босилган сил-дас мавсумининг 67 процент-дан кўпроги ва теширилган пичанининг 50 проценти паст сифатли классга киритилди. Қорақалпоғистон АССР ва Анжолон областларида хўжа-ликларда текширилган пичанининг атиги 25—40 про-центи биринчи класс, деб баҳоланган.

Юқори сифатли ем-хашак-нинг зарур запасларини ву-жудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — агро-саноат комплекс раҳбарлари ва мутахассислари учун асо-сий вазифалардан биридир. Ҳар бир хўш, ҳар бир соат танимат. Йўл қўйилган ҳо-лоқлик сабабларини пухта ва еничилаб қўриб чиқиш, ем-хашак тайёрлаш суръат-ларини бутун чоралар билан ядаллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар белгила-б, уларни сўзсиз амалга оши-риш лозим. Айрим комму-нистлар, хўжалик раҳбарла-рининг беғамлиги, сустнаш-лиги ва интизомсизлигига жойлардаги партия органла-ри принципал баҳо бериш-лари керак.

ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини муддатидан илгари бажар-ганликлари учун қўйидаги-лар област «ХУРМАТ ТАХТАСИ»га ёнладилар.

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎИЧА

«Ўзбекистон ССР 30 йил-лиги» колхозини (раиси Т. Раимова, партия ташкилоти-нинг секретари Ж. Салимбе-ков, касаба союз ташкилоти-нинг раиси К. Йўлдошев, комсомол комитетининг сек-ретари Г. Шерматова, пил-лачилик агротехниги У. Тур-сунов ўртоқлар).

К. Маркс номили колхоз (раиси М. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари К. Алимова, касаба союз ташкилотининг раиси К. Зу-фаров, комсомол комитети-нинг секретари Х. Абдура-химова, пиллачилик агротех-ниги Р. Файзуллин ўртоқ-лар).

Навоий номили колхоз (раиси Х. Акромов, партия ташкилотининг секретари У. Мирсобинов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Бахромов, комсомол комитетининг секретари А. Исаев, пиллачилик агротехниги Х. Абдиев ўртоқлар).

Киров номили колхоз (раиси С. Шерматов, партия ташкилотининг секретари А. Аюпов, касаба союз ташки-лотининг раиси Х. Гапиров, комсомол комитетининг сек-ретари Е. Охунوف, пиллачи-лик агротехниги Х. Турсун-қулов ўртоқлар).

«Москва» колхозини (раиси О. Худойбердиев, партия ташкилотининг секретари С. Ағибаев, касаба союз таш-килотининг раиси Х. Қоди-ров, комсомол комитетининг секретари М. Мухаммедова, пиллачилик агротехниги М. Сафаралиев ўртоқлар).

«Янгибоб» совхозини (ди-ректори М. Яввариев, партия ташкилотининг секретари К. Рўзиматов, касаба союз таш-килотининг раиси А. Сўра-ганов, комсомол комитети-нинг секретари К. Ермаков, пиллачилик агротехниги Х. Қўниев ўртоқлар).

«Чиноз» наслчилик сов-хоз-техникуми (директори Н. Гусакон, партия ташкилоти-нинг секретари У. Эрматов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Манаримов, комсо-мол комитетининг секретари К. Исахонов ўртоқлар).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎИЧА

«СССР 60 йиллиги» кол-хозини (раиси И. Қиёмов, пар-тия ташкилотининг секрета-ри А. Саидов, касаба союз ташкилотининг раиси И. Султонов, комсомол комитетининг секретари А. Пирим-қулов, пиллачилик агротех-ниги К. Айтилбева ўртоқ-лар).

Ленин номили колхоз (раи-си Н. Авазов, партия таш-килотининг секретари Ш. Мирзакаримов, касаба союз ташкилотининг раиси К. То-жибоев, комсомол комитети-нинг секретари Т. Хидиров, пиллачилик агротехниги Х. Расулов ўртоқлар).

ОҚҚУРГОН РАЙОНИ БЎИЧА

«Озод» колхозини (раиси А. Бўриқулов, партия ташки-лотининг секретари А. Аҳме-дов, касаба союз ташкилоти-нинг раиси С. Раҳимжонов, комсомол комитетининг сек-ретари Н. Маханов, пилла-чилик агротехниги Т. Тожи-ев ўртоқлар).

Охунбобоев номили колхоз (раиси Ж. Элчибоев, партия ташкилотининг секретари А. Юнусов, касаба союз ташки-лотининг раиси У. Холиқу-лов, комсомол комитетининг секретари У. Рисқулов, пил-лачилик агротехниги А. Бер-кинбоев ўртоқлар).

«Ленинизм» колхозини (раи-си У. Музаффаров, партия ташкилотининг секретари А. Умиров, касаба союз ташки-лотининг раиси А. Қаршибо-ев, комсомол комитетининг секретари М. Жумакулов, пиллачилик агротехниги К. Номозбоев ўртоқлар).

УРТА ЧИРЧИК РАЙОНИ БЎИЧА

Ким Пен Хаа номили кол-хоз (раиси А. Тё, партия ташкилотининг секретари М. Маматқолиқов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Ҳрозбеков, комсомол коми-тетининг секретари Д. Мама-далиева, пиллачилик агро-техниги Т. Мўминова ўртоқ-лар).

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИБ, ТАННАРХНИ КАМАЙТИРАЙЛИК

ҚЎШИМЧА 91 МИНГ СЎМЛИК

ТОШКЕНТ чинни заводи коллективни маҳсулот ишлаб чиқариши янада кўпайти-риш ва сифатини ошириш йўлида тинимсиз ишламоқ-да. Шу мақсадда барча бў-лими ва участкаларда кенг қўламада ташкилий-тех-никий тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни вақт-да социалистик мусобаба асб обдирлиб, унинг таъ-сирчанлиги кучайтирили-пти.

Шу сабабли ҳам чинни-созлар меҳнати натижаси салмоқли бўлмоқда. Маҳсу-лот ишлаб чиқариш бўйича давлат планлари мунтазам равишда ортиги билан адо этилтипти.

Корхонада меҳнат унум-дорлигини пилдан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини қў-шимча ярим процент камай-тириш юзасидан қўйилган тартиб-таътирлар борасида ҳам қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Ҳар бир иш кунини зарбдорона меҳнат билан аяқулашга одатланиб қолган корхона ахли унумдорлигини пилдан ташқари бир процент оши-риш эвазига 130 минг сўм-лик соф фойда қўриш ва таннархни қўшимча ярим

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ— СОҒЛОМ КЎЧАТГА БОҒЛИК

ТАШАББУСКОР

пахтакорлар узиган



ДЕХҚОНЧИЛИКДА йил-дан йилнинг фарқи бўлди. Йўлдан, ўтган йили об-ха-во қуруқ келган бўлса, бу йил акси бўлди. Заҳ ерда ётган чигит ўз вақтида уни-чиқмай, дала-ларни қатқалоқ қолди. Пахтакорларимиз бунга қарши зарур чора-тад-бирларни кўрдилар. Қатқа-лоқни юмшатиш мақсадида пайкалларга мотига билан ишлов берилди. Сўнгги уни-чиққан ниҳоллар атрофини қисман юмшатиш учун РОР-молламаридан фойдала-нилди. Бироқ бу ҳам ўз ўр-нида яна бир муаммони кел-тириб чиқарди. Ишлов бе-риш жараёнида трактор бал-лонлари ерларни эчиштири-риб юборди. Натижада ерда-ги заҳнинг кўтарилиши қи-йиллашди.

Биз ер заҳини қочириб, тузроқ ҳароратини кўтариш учун зудлик билан култи-ваши қилишга киришдик. Култиваторлар сонини 36-тадан 40-тага кўпайтирдик. Четки органлар гўза туши-дан 6—8 сантиметр узоқ-ликда, 4—5 сантиметр чу-қурликда, пичоқлар 8—12 сантиметр, «гозпаян»лар эса 18—25 сантиметр чуқур-ликда ишлов беришга мос-лаштирилди. Мавжуд 1366 гектар майдоннинг ҳаммаси шу тариқа биринчи ишлов-дан чиқарилди.

Албатта, ҳосил тақдири гектарларда соғлом кўчат-лар сақлаб қолишга кўп жи-ҳатдан боғлиқ. Шунинг ҳисоб-га олиб биз гектарига 122—125 минг туздан дурқун кў-чатлар бўлишни таъминла-

дик. Бугунги кунда Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган пах-такор, Ленин ордени кавале-ри Абдували Расулматов, Меҳнат Қизил Байроқ орде-ни кавалери Турди Шоназа-рова, Ўлчи Қенжаев, Дав-лат Шерғозиев сингари ўр-тоқлар етакчилиги қилаётган юқори ҳосилли бригадалар коллективни янгим-терим бошлангунга қадар ҳар гек-тар ерда 120 минг туздан бўлиб кўчатлар бўлишини таъминлаш учун кураш олиб боришмоқда. Ана шундагина ҳосилдорлигини колхоз бўй-ча 40 центнерга етказиш имконияти туғилади.

Айни кунларда дала-лари-мизда амалга оширилган ишлар мақсадга яраша бўл-моқда. Гектарига 100 кило-грамдан азот ўғити солиб, сув қўйишга киришдик. Го-фир Мамажонов, Эргаш Аҳ-медов, Абдурахим Азимов, Мамат Эммурадов каби 120 нафар сувчиларимиз гўза-ларга бир маромда об-ҳаёт тарамқоллар. Бу ўринда иш сифатига алоҳида аҳамият беришимиз. Қондириб суғо-рилган пайкалларнинг гекта-рига 9 сўмдан ҳақ тўла-моқда. Нормасини ортиги билан бажарётган сувчи-ларга эса қўшимча равишда 30 процент мукофот пули бериб борилапти.

Тадбиркор механизаторла-

римиз сувга қондирилган пайкаллар етилиши биланок пешма-пеш ишлов беришга киришяптилар. Бунда Очил Оризқулов, Раҳим Тилвов-ев, Латифшо Қодиров, Иб-роҳим Эшмуродов каби ме-ханизаторларимизнинг ҳисса-лари катта бўлапти.

Об-ҳавонинг паст келиши натижасида гўзаларда сў-рувчи ҳашаротлар пайдо бў-ла бошлади. Трипс ва шир-ташган майдонларда БН 58 ҳамда Анти препаратлари қўлланилди. Бу вазифа-ни 3 та ОВХ-14 ва 2 та ОВХ-28 аппаратлари ерда-мида амалга оширишмиз. Энтимолог Жарлақосим Ра-шов бешлик ўн бир нафар назоратчи гўзалар ривожини доимий равишда кузатиб боришмоқдалар. Улар ҳашарот пайдо бўлган гектарларни ўз вақтида аниқлаб, химия-вий йўл билан ишлов бериш-га киришяптилар.

Аҳдими қатъий. Юбилей йилида эл хирмонига 5500 тонна юқори навли «оқ ол-тин» етказиб берамиз. Шу мақсад йўлида табиий об-ҳаётни ўз вақтида бартараф этиш чораларини куравера-миз.

О. ТУРАТОВ,
Оққўрғон районига
Вотинцев номили колхоз
баш агрономи.

УЧИНЧИ ИШЛОВ


КОММУНИСТИК райо-нидаги «Правда» колхозининг Сергей Ким бошчилик қилаётган 9-комсомол-еш-лар бригадаси пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзе-бекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонлана-диган йилда зиммаларига ю-кас мажбуриятлар қабул қил-дилар. Бу йил бригада деҳқонлари 77 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан, 52 гектар ердаги қанопдан 250 цент-нердан, 14 гектар майдон-даги уруғлик макжаҳуридан 100 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаган-лар.

Барча экинзорларда ниҳоллар бир текис униб қичди, — дейди бригада етакчиси. — Шу кунларда экинларга ишлов беришни қизғин олиб боришимиз. Би-ринчи навбатда тўлиқ гек-тарлар ҳосил қилишга ҳара-кат қилаймиз.

Дарҳақиқат бригадала гў-за қатор ораларига учинчи бор ишлов бериш агротех-ника талаблари асосида уюшқоқлик билан олиб бо-рилмоқда. Механизаторлар Сайим Мусурмоңқулов ва Дучер Кимлар ўзаро мусо-бакалашиб меҳнат қилиб, кунига 5—6 гектар майдон-даги экинларни сифатли култивациядан чиқариш-моқда.

Бригада сувчиларининг иши ҳам пухта. Улар экин-ларни об-ҳаётга қондириб учун барча тадбирларни кў-риб қўйишган. Алоҳида сувчилар гуруҳаси тузланди. Коллективнинг Маърифат Аҳмедова, Абдували Қўлто-ев, Мароҳат Абдусаматова, Зоҳира Нуртаева сингари аъзолари дала ишларини бажаришда барчага ўрнак бўлишмоқда.

З. ТОЖИБОВ.



БУКА районидagi «Пар-тия XIX съезди» колхозининг ташаббускор пахтакор Аҳмад Душобоев етакчилиги қилаётган бригадаси зарушнослари Ўз-бекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланган йилда 135 гектар майдоннинг ҳар ге-ктардан 60 центнердан оқ ол-тин йиғиштириб олиш мажбу-риятини қабул қилишган. Шу кунларда коллектив деҳқонла-ри гўза қатор ораларига си-фатли ишлов беришмоқдалар. Экинни ўз вақтида об-ҳаётга қондирмоқдалар. Суратларда: (юқорида) бригада бошлиги Аҳмад Душобоев механизатор-лар Шокиралли Исронов ва Ашуралли Йўлдошевлар билан; (пастда) гўзага ишлов бериш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ депутатлари Тош-кент область Совети ижроия комитети мат-лум қиладики, ўн саккизинчи қақирин халқ депутатлари область Совети-нинг ўнинчи сессияси 1984 йил 11 июнда соат 11.00 да Ўзбекистон Компартия-сининг мажлислари залида (Ша-роф Рашидов проспекти, 9) очилди.

Депутатлар шу ерда эрта-лаб соат 9.00 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тош-кент область Совети ижроия комитети.

Д. ҚИРҒИЗБОВ.

МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА САЊАТКОРЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

КОЛХОЗДА ОТАЛИҚ КОНЦЕРТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА РЕСПУБЛИКА КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



КЕЙИНГИ пайларда санъаткорларнинг ўз томошабинлари ҳузурда ҳисоботи бериши, профессионал бадий коллективларнинг колхоз ва совхозларга оталиқ ердими, жонларда ҳаваскорлик жиддийлиги ривожлантиришга ақидадан қўйиб бериши одат тусига кириб бормоқда. Қўни кеча Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройига илгор сабазоткор ва филлакторлар, чорвадор ва соҳибкорлар, қишлоқ эиеллилари тўпландилар. Бу ерда СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Бернора Қориева етакчилигидаги санъат усталарининг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашув бўлиб ўтди.

САЕҲАТГА ТАКЛИФ

ҚАЙСИ БИРИ МАЪҚУЛ?

Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюросининг табиатшунослик секцияси табиат қўчоғига янги-янги маршрутлар бўйича экскурсиялар уюштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Меҳнаткашлар бу йил дам олиш кунларида «Меҳнат ва истироҳат» (Тошкент), «Хўжайент йўллари» (Тошкент), «Хўжайент», «Она ер саёҳати» (Тошкент), «Тошкент денгизи», «Сув», «Одамлар, асрлар» (Тошкент денгизи), «Иригация музейи», «Тоғлар нима тўғрисида сўзлайди» (Сойлик), «Оқтош — Угам дарёси» каби маршрутлар бўйлаб экскурсияларга чиқишлари мумкин.

А. ХУЖАМОВ.

САПЕРЛАР ЖАСОРАТИ

ЙЎЛБАРС, УЯСИ ЙЎҚОТИЛДИ

Катта лейтенант Юрий Новиков бир қарашдаёқ ўрмондаги чуқурликда гитлерчиларнинг «Йўлбарс» танки снаряди ётганлигини билдиқўйди. Шу жойларда партизанлик қилган кекса ўрмончи бу ерда «Багратион» хужум операцияси арафасида гитлерчилар мудофасани мустаҳкамлаш учун ерга танкларни қўнганликларини айтди.

Ю. Новиков биринчи снарядни гвардиячи оддий аскар Сергей Столбовога топшираётган, «бу ердан танк бўлсин, ўқ-дорлар запаси ҳам бўлиши керак» деб ўйлади. Бу фикр тасдиқланди. Саперлар излаш доирасини секин-секин кенгайтириб бориб, мина изловчи аппарат бўлимида металл топдилар. Бу металл харбий омборнинг қолдиқлари бўлиб чиқди.

Белоруссия дини гитлерчи газандаридан овоз бўлаганига ақидда 40 йил бўлди. Аммо ханузгача қарийб ҳар кун сапер бўлиналарида ташвишли телефон кўнғирроқлари чалиниб туради.

Л. ТРАЦЕВСКИЙ, ТАСС мухбири.

Қизил Байроқ орденли Беларуссия харбий округи.

жонлантиради. Томошабинлар кўз ўнгига улуг инқилоб кўнчили Ҳамза Ҳакимзода Ниязининг «Заҳарли ҳаёт» пьесасида акс эттирилган оғир турмуш манзаралари намоён бўлади. Зулмат қўйида севгилис Махму (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист) Ҳасан Бозоров томонини талқинлайди. Марям (СССР халқ артисти Б. Қориева)нинг илтижолу талқини, унинг эшон (актёр Г. Гусев) чағалда изтироб чекиши, ҳаётининг бевақт ҳазон бўлиши рақс санъатининг ўзига хос «тили» билан тасвирчан ифодаб берилди.

Бундан ташқари, Б. Қориева ва Ҳ. Бозоров машҳур «Сунбул» кўйиши асосида сахналаштирилган рақс миниатюраларини ҳамда хореография билан юртиндаги ўқувчилари билан биргаликда композитор Р. Паульсоннинг «Миллон қизил атиргул» кўйиши асосида яратилган рақс композициясини ижро эттиди. Санъат халқимизнинг маърифат бир акти билан-спектакли ва жонли рақсларини мароқ билан томоша қилдилар.

Шундан сўнг қишлоқ меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг солисти, республикада хизмат кўрсатган артист Қизилорхон Дўстмуҳаммадов ижросида «Севги таронаси» (композитор М. Мирзаев), «Баҳор» ансамблининг солисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура Эргашева ижросидаги шарқона рақсини, «Ўзгала» ансамблининг солисти Тошкент области Ланни комсомол мукофотининг лауреати Силимон Орфинов ижросида «Сурнай наво» (Назармат шеври), «Айлана» (рақсида) «Шодлик» ансамблининг солисти Мухомед Исломов) кўйишларини, Андижон области филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган

артист Шерали Жўраевнинг лирик кўйишларини ҳузур қилиб тингладилар.

Театрининг коллективи шу кунларда республика юбилейига пухта тарафда кўрмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Б. Қориева. — Санъаткорлар янги-янги сахна асарлари яратиш билан бирга томошабинлар билан алоқани мустаҳкамлаш, аниқроқ, қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш, уларнинг эстетик дидини ўстириш мақсадида самарали ишланшлар олиб бормоқдалар. Яқинда биз республикамизнинг Жиззах, Шаҳрисабз, Телимажорон каби шаҳарларида меҳнаткашлар билан учрашувларда иштирок этдик. Шу кунларда эса театрда Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган махсус ойлик ўтказилмоқда. Бу ойлик давомида биз колхоз ва совхозларда, ишлаб чиқариш корхоналарида спектакллар кўрсатамиз. Томошабинлар билан ижодий учрашувлар ва чексиз оқлиқлар ўтказамиз. Шубҳасиз, бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат ақлини санъатга ошно қилишга, уларни янги меҳнат ютуқлари сори руҳлантиришга муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, маданият саройида тўпланган қишлоқ меҳнаткашлари санъат усталарининг ҳар бир чиқишини алоҳид гуллар ва чексиз оқлиқлар билан қарши олар эканлар, уларнинг учрашувида олган завоқ — ҳақонилари гўлгун ҳечқачанда балқиб турарди.

Р. ГАНИЕВ, Қ. КАРИМОВ.

Сурагдa: СССР халқ артисти Бернора Қориева колхозчилар дaврасида.

ЎзТАГ фотохроникаси.

либ чиқишди. Тошкентликлардан Е. Болотина — В. Прудский ва М. Абгарян — С. Осницевлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Рақс жуфтликларидa ҳам тошкентликлар галаба қозонди. Е. Рокинянинг шоғирдлари Р. Асанова ва Г. Юдаевлар ақойиб маҳоратларини намоён этдилар.

Якка мусобақаларда қизлар ўртасида ерванлик М. Степанян ўсириллар ўртасида эса А. Власиянлар соврин эгаси бўлдилар. Тошкентликлардан Н. Скалова иккинчи ўрин билан чегараланди.

Т. СОЛИБ.

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

ТИНЧЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ОВОЗИ

АҚШ империализми ва НАТО агрессия доираларининг уруш чинаришга қаратилган хатарли сиёсати туфайли жаҳондаги вазиёт ўта кескинлашган шу кезларда тинчлик учун кураш, буржуа пропагандасининг барча бўҳтонларини тинмай фoш қилиб ташлаш идеолог ҳодимларининг виждоний бурчи, биринчи даражада вазифаси бўлиб қолди.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон радиосининг «Сўнги аҳборот» Бош редакцияси партия ва ҳукуматимиз ташқи сиёсатини, актив пропагандасида қилиш, Оқ уй маъмуриятининг милитаристик йўлини фoш этишга катта ҳисса қўшмоқда. Бош редакциянинг халқро ҳаёт ва «Машъал» бўлимлари таъбирлаётган эшитиришлар аниқроқ маъмули ва таъсирчан бўлаётди.

Радио тўлқинлари оғиди берилатган ушбу эшитиришларда социалистик ҳамдўстлиқнинг ривожланиши, халқларнинг тинчлик, демократия ва социал тартиққет учун, империализм агрессия кучларининг авиаторчилик ҳапти — ҳаракатларига қарши олиб борилган курашининг муҳим проблемалари илмий асосда еритилмоқда.

Радиотингловчиларда ҳамини зўр қизиқиш уйғотган ушбу эшитириш ва суҳбатлари таъбирлашда Бош редакция ижодий ҳодимлари Х. Исроилов, А. Алимов, Х. Тоқиматов, Э. Тоқимов, А. Абдувалиев, халқро ҳаёт бўлими журналистлари Х. Йўлдошев, М. Саидонова, Д. Турсунов, «Машъал» радиостанциясида Ш. Амиров, Т. Тўхтаев, Ш. Хамидов, Н. Исроилов ва бошқалар фаол иштирок этмоқдалар.

Маълумки, бир мунча вақт илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика радиосида телевиденисиде берилган хабар ва шарҳларнинг оператив, ҳозирона, мазмунли бўлиши зарурлигини кўрсатиб ўтган эди.

Ўзбекистон радиоси КПСС ва Совет ҳукуматининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати юзларини оммага етказиш борасида амалга оширатган ҳозирги ишлари ушбу кўрсатмага жавоб бўлмоқда.

Т. СОЛИБ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЙ ИШЛАВ—ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ 86-ЎРТА ХУНАР — ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1984-1985 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАРЬ (программалар бошқариладиган станокда ишловчи) УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ИЙГУВЧИ СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ЭЛЕКТР КЎТАРМА КРАНЛАРИ МАШИНИСТИ, ОТК КОНТРОЛЕРИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ, САНОАТ ЖИХЎЗЛАРИ БЎЙИЧА РЕМОНТИЧ—СЛЕСАРЬ, МЕХАНИК—ИЙГУВ ИШЛАРИНИНГ, СЛЕСАРЬ—МЕХАНИК, ЭЛЕКТР КЎТАРМА КРАНЛАРИ МАШИНИСТИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил.

Бир йиллик ўқишга қабул қилинганлар 65 сўм ҳажмида стипендия ва практика даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 33 процентини олади.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиш муддати иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижодкорлиги тўғрисида, радиоавиаторлар тўғрисида, фототўғарак, 8 та бадий ҳаваскорлар тўғрисида, ўзбек халқ чолғу-асбоблари ансамбли ва бошқа тўғараклар бор. 10 та спорт секцияси ишлаб турмоқда. Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимен» лагерига борадилар, Ватанимиздаги қаҳрамон шахарларда бўлади.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинадилар. Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржиман ҳоли, тутилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справкаи, медицина справкиси (286 — форма) 3X4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

МАШЎҒУЛЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Солинов кўчаси, 6 — уй (4, 5 троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати; 3, 22, 23, 29 — трамвайларнинг «Старт» стадиони бекати.) Телефон 35-61-30.

Ф. Хўжаев номли-поябзал фабрикаси қошидаги 143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали муҳтажаслар таъбирлайди: пойабзал қисмларини йиғувчи, зағовотка тикувчи, пойабзал тикувчи, таъйир махсулотини қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтер, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма хуналар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини олади.

Билим юртини битирганлар 1-поябзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чинариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўғараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло ёки яхши битирган ўқувчиларга техника ва институтларга йўллама берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3X4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

ХЎЖАТЛАР ҲАР КҮНИ (яшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Поябзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Телефилм. 10.10 — Мультфильмлар. 10.40 — «Касби-терговчи». Телевизион бадий фильм. 3-серия. 11.50 ва 15.00 — Янгилликлар. 15.20 — Хўжатли фильмлар. 16.20 — «Экологик кундалик». 16.40 — «Рус тили». 17.10 — «Подмосковье кишлоғининг бугунги ва эртанги кунин». 17.40—18.05 — «Биргаликда ақил оламиз». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.35 — «Фан ва турмуш». 20.05 — «Арча қаварти чалади». 20.25 — «Касби-терговчи». Телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 1-кисм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Касби-терговчи». 4-серия. 2-кисм. 22.55 — «Сибирь» гупдаси. Телефилм. 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — Музикали кўрсатув.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Космос» Телефилм. 9.30 — «Воҳша ўт кичида». Бадий фильм. 10.35 — «Бил ва удалла». 11.20 — Д. Кедрин поэзияси. 11.55 — «Шахмат мактаби». 12.25 — 13.55 — «Каникуллар саргузашти». Болалар учун телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 14.25 — Телефилм. 15.25 — «Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида». 15.55 ва 18.30 — Янгилликлар. 18.45 — Хўжатли фильм премьераси. 19.15 — Халқ куйлари. 19.30—20.30 — «Савҳатчилар клуби». 20.50 — Сузиш бўйича СССР чемпиони. 21.30 — «Время». 22.25 — Телефилм премьераси. 23.10 — «Время». 10.00 — «Ахбороти». 10.20 — Болалар учун фильм. 11.15 — Фильм-концерт. 11.45 — Хўжатли фильм. 12.00 — «Светлофор». 13.00 ва 18.00 — Янгилликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.00 — «Фан уфқлари». 19.30 — «Ахбороти». 19.45 — Буюк Ғафларнинг 40 йиллигига кўрсатув.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да Дон Кихот, 9/VI да Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/VI да Отелло, 9/VI да Келлилар қўзғолоқи.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Судда цирк» Москва цирки артистларининг хайрлашув гастроллари (19.30 до).

«Узлавазотчи и в р о м»

Тошкент област трести коллективни қорамол таъйирлаш Калинин район конторасининг директори С. А. Азъамовга оинас

АШУРОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан мукур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ / "Ташкентская правда" / Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 337916, 337548, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БҒЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиш — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва харбий ваташарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

